Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

Халқ сўзи

Газета 1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

7 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА. № 194 (446). 1992 йил

Сотувда эркин нархда

Адҳамбек ФОЗИЛБЕКОВ:

ШАРОФ РАШИДОВ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИНИНГ ЭНГ ЖОНКУЯР ТАШАББУСКОРЛАРИДАН ЭДИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ «ХАЛҚ СЎЗИ»НИНГ МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ.

— Адҳамбек Иброҳимович, суҳбатимиз муқаддимасида шаҳар меҳнаткашларининг саховатию оқибатлилиги, ҳокимиятнинг қутлуғ ишларга рағбатлантирувчи фаолиятининг натижаларидан бири — Шароф Рашидов фондига 50 миллион сўм ўтказиш ниятларингиз ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз.

— Ҳа, шундай режамиз, дастлабки ҳисоб-китобларимиз бор. Айни шу кунларда, яъни пойтахтимизда Халқаро XI кинофестивал очилиши арафасида бу қарорга келишимизнинг сабаби бор. Дунё сиёсий, маданий ҳаёти тарихида мангу қоладиган Тошкент халқаро анжуманларининг кўпи, жумладан кинофестивал ҳам фидойи улуғ инсон Шароф Рашидов ташаббуси, саъй-ҳаракатлари билан бошланган, анъанага айланганди. Тошкентни дунёдаги энг замонавий, кўркам, гўзал шаҳарга айланишида ҳиссаси беқиёс бўлган Шароф Рашидов хотираси олдида бир умр қарздормиз.

Мана, бугун бутун дунёнинг кино ихлосмандлари нигоҳи Тошкентга тикилган, деса бўлади. XI халқаро кинофестивал очилишига бир кунгина вақт қолди. Тошкентда улкан тўйхона, тантаналарга ҳозирлик охирлаб қолгандир?

— Ҳамма имкониятларни ишга солиб, тайёргарликни юқори савияда олиб боришга ҳаракат қилаяпмиз. Шаҳримиз туманларига меҳмонлар бириктирилган, уларни кутиб олиш, кунларни мазмунли ўтказиш, кўнгилли хордиқ чиқаришларини ташкил этиш, йирик ишлаб чиқариш жамоаларида учрашувлар ўтказиш масъулияти юкланган.

Бу анжуман Тошкент ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга. Бундан аввалги фестивалдан буён ўртада узилиш бўлди ва халқимиз ўзига ғоят қадрли, анъанавий кино фестивални соғиниб ҳам қолди. Шунинг учун эртага очиладиган кино байрамига қизиқиш ўзгача.

— Юртимиз тупроғига қадам босган ҳурматли одамларни эсдалик совғалар билан тақдирлаш ҳам доимий одатимиз. Фестивалнинг бош совринларидан ташқари...

— Ҳа, бу ҳам шубҳасиз. Тошкент чинни заводи, «Миконд» заводи ва бошқа жамоалар халқимизнинг анъанавий санъати намуналаридан меҳмонларга эсдаликлар тайёрлашяпти.

8 октябрь куни шаҳар ҳокимияти «Чилонзор» ресторанида меҳмонларга учун тантанали қабул маросимини ўтказади.

(Давоми 2-бетда).

Конституция лойиҳаси УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МУСТАҚИЛЛИК МОҲИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида шаклланиши, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш учун қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш янги Конституция лойиҳаси мағзини ташкил қилади. Конституциянинг 3-боби қонуннинг устунлигига бағишланган бўлиб, 15-моддасида давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ўз фаолиятларида Конституция ва қонунларга амал қилишлиги кўрсатилган.

Қонунийлик бу давлатнинг Конституцияси ва қонунларига асосланиб чиқариладиган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси бўлиб, унда Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча халқларнинг иродаси ифодаланади. Қонунийлик ҳуқуқий тартибот орқали амалга оширилади. Ҳуқуқий тартибот эса ҳуқуқий нормалар билан жамиятда кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларнинг тартибга солинишидир. Қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот ўзаро боғлиқ тушунча. Кишилар ёки фуқаролар билан давлат органлари ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқий нормалар амалга оширилиб, қонунийликни янада мустаҳкамлайди.

Лойиҳанинг 73-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, аввалги Республика Олий Кенгашидай назорат қилиш вазифасини бажармай балки фақат қонун чиқарувчи ҳокимият ҳисобланади. Шунинг учун унинг қонун қабул қилиш тартиби аниқ белгилаб қўйилса яхши бўлар эди... Лойиҳанинг 80-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилади. Қонунни қабул қилиш учун Олий Мажлис депутатларининг кўпчилик овози талаб этилади» дейилган. Бизнингча, бу моддани **«Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилади. Қонун чиқариш тўрт босқичдан: қонун таклиф қилиш, уни муҳокама қилиш, қабул қилиш ва эълон қилишдан иборат»** деб тўлдириш керак.

Лойиҳанинг 79-моддасида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонун лойиҳаларини таклиф этиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, шунингдек ўзининг давлат олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди, Олий Суди, Олий хўжалик Суди, Бош прокурори эгадирлар» дейилган. **Шу ўринда республика органи ҳисобланадиган жамоат ташкилотларига ҳам қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқи берилсин,** деб қўшимча қилинса мақбул бўларди.

Лойиҳанинг ўзбек тилидаги нусхасида 110-модданинг А-бандида «Олий Мажлис» сўзи ўрнида «Олий Кенгаш» ёзилган. Шунинг учун бу моддани қуйидагича берилишини таклиф қиламан. **«Қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган ўзга ҳужжатларнинг»,** деб қолгани ёзилгани бўйича давом этиши керак.

Қурбонали ХОЛМУМИНОВ,
ҳуқуқшунос.

ОБУНА—93

«ХАЛҚ СЎЗИ» СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИДА «ХАЛҚ СЎЗИ» ВА «НАРОДНОЕ СЛОВО» РЎЗНОМАЛАРИ ОБУНАСИГА ЖУДА КАТТА ЭЪТИБОР БЕРИЛАЁТИР

— «Навоиазот» бирлашмаси раҳбариятининг хайрли саъй-ҳаракати боис келгуси йили навоийлик 300 кимёгар «Народное слово» рўзномасини мунтазам ўқиб боради. Йиллик обуна учун пул тўлашни корхона ўз зиммасига олди. Бунда албатта, ишлаб чиқариш фахрийлари, ихтирочилар, афғон уруши қатнашчиларига алоҳида эътибор берилади.

Яна Навоий вилояти марказида яшовчи юз нафар нафақахўр ҳамда ногиронлар парламент-ҳукумат газетасига бепул ёзилиш имкониятига эга бўлишди. Бу имтиёзни Бахтиёр Ҳамдамов раҳбарлик қилаётган Навоий шаҳар ҳокимлиги яратиб берди. Вилоят «Дўстлик байроғи» рўзномасидаги ҳамкасбларимиз учун ҳам қувонсак арзийди: обуна мавсумини ташкил этиш учун шаҳар ҳокимлиги 100 минг сўмдан зиёд маблағ ажратди.

Обуна мавсумига, жумладан, барча оммавий-ахборот воситалари сингари иқтисодий жиҳатдан қийин даврни бошидан кечираётган «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномаларимизга вилоят раҳбарияти қандай муносабатда эканлигини қуйидаги алоқа хатидан ҳам билиб олиш мумкин. Уни айнан келтирамиз:

«Шаҳар, районлар ҳокимларига, посёлка кенгашлари раисларига, корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарларига!

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари обунасини ташкил этиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарига 1991 йил 1 январда асос солинган. Мазкур давлат матбаа нашрлари жумҳуриятимиз раҳбарияти тутаётган сиёсий йўл-йўналиш, мустақил давлатимиз ички ҳаёти ва ҳориждаги воқеа-ҳодисаларга оид хабарларни чоп этувчи ягона расмий манбадир. Уларда қонунлар ва республика Президенти фармонлари, ҳукумат қарорлари биринчи бўлиб эълон қилинади. Рўзномалар шу жиҳатлари билан ҳокимият тизими ва меҳнат жамоалари раҳбарлари учун ўз фаолиятларида яқин кўмакдошдир.

Шу боис 1993 йил учун мазкур парламент-ҳукумат нашрларига бюджет ҳисобидан ва оммавий обуна қилишни фаоллаштиришда шахсан иштирок этишингизни сўраймиз. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий нолоҳотлар жараёнини акс эттирувчи бу марказий рўзномаларни кенг тарғиб этиш лозимлигини эътиборга олиб қуйидагилар тавсия этилади:

— барча бюджет ташкилотларида, шу жумладан марказий ва корхона-ташкилотларга қарашли кутубхоналар, ўқув юртларида 1993 йил учун кўпроқ обуна бўлишни таъминлаш;

— шаҳар ва посёлкаларнинг марказий, одамлар билан гавжум бўладиган жойларида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномаларининг кундалик сонларини осиб қўядиган махсус стендлар ташкил этиш;

— тадбиркорлик ва меҳр-шафқат, ижтимоий таъминот ташкилотлари ёрдамида кам таъминланган нафақахўр, ногирон, уруш фахрийларини бепул обуна қилишни ташкил этиш;

— ҳокимият барча бўлимлари ва халқ депутатлари кенгашлари ижроия комитетларида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарига обуна бўлиш;

— корхона ва ташкилотлар раҳбарлари мазкур нашрлар обунаси қандай бораётганлигига алоҳида эътибор қаратиши, илғор ишчилар, рационализаторларни текин обуна қилиш билан рағбатлантириш учун маблағ қидириб топиш;

— матбуот тарқатиш идораларига биринчи навбатда обуначиларга эътибор қаратиш ҳақида кўрсатма бериш, обунани ташкил этишда моддий манфаатдорликни таъминлаш;

— 1993 йил учун обуна мавсуми давомида ҳайрия, мурувват кўрсатиш ҳолларини ҳокимият органлари томонидан рағбатлантириш.

Навоий вилояти ҳокимининг биринчи муовини: Л. ВИЛЕНСКИЙ.

(Давоми 2-бетда).



Шоликор учун ҳам ғалвирни сувдан кўтарадиган, эрта баҳордан буён қилган меҳнатининг сармоясини сарф ҳисоб қиладиган пайт ҳам етиб келди. Шунинг учун ҳам Хонқа районининг ал-Хоразмий номли давлат хўжалиги шоликорлари шоли ўримйиғимини қизғин бошлаб юборишган Шоли майдонларида комбайнларнинг ҳайқириғи тинмайди. Далаларда эса ҳали ҳосил мўл. Қиш эса қиличини судраб келаяпти. Шунинг учун ҳам ҳали кузнинг аёзли кунлари бошланмасдан, хўжалик шоликорлари далалардаги бошоқларни нес-нобуд қилмай, йиғиб-териб мустақил Ватанимиз дастурхонининг тўкинсочинлиги учун ўзларининг муносиб улушларини қўшишни ният қилишган.

Ш. ИБРОҲИМОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИНИНГ

БИЛДИРИШИ

Шу йил 6 октябрда Қ. А. Аҳмедов раислигида Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатларини чақириб олиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ Фарғона вилоятининг 444-Чекшўра сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси халқ депутати И. Турсунович чақириб олиш учун овоз бериш кунини 1992 йил 15 ноябрь, якшанба кунига белгилади.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков 3 октябрь куни Индонезия ишбилармонларидан бир гуруҳини қабул қилди.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегациясининг Индонезияга қилган сафари чоғида бир қатор ҳужжатлар, жумладан, икки давлат ўртасида узоқ йилларга мўлжалланган савдо-сотиқни йўлга қўйиш тўғрисида ҳам шартнома имзоланган эди. Унга кўра, Ўзбекистон Индонезияга пахта ҳом ашёси, Индонезия эса Ўзбекистонга чой, гуруч, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар етказиб беришни зиммасига олган.

Индонезия делегациясига бошчилик қилаётган «ПТ прима Комексиндо» компанияси президент-директори Ҳошим С. Жойахадикусумо ўз мамлакатининг икки давлат ўртасида имзоланган шартномани бажара бориб, ҳозиргача Ўзбекистонга 10 минг тонна чой, 50 минг тонна гуруч етказиб бергани маълум қилди.

Суҳбат чоғида Тошкент вилояти ҳокими С. Сайдалиев, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи муовини С. Сафоев, миллий банк бошқарувининг раиси Р. Азимов ҳозир бўлдилар.

(ЎзА).

ҲИМОЯ—ИНГЛИЗ ТИЛИДА

● Тошкент давлат иқтисод дорилфунунида диплом ишлари биринчи марта инглиз тилида ёқланди.

ДОРИЛФУНУННИНГ беш талабаси охирги курсни АҚШнинг Арканзас штати университетида ўқиб битиришди. Бўлажак иқтисодчилар дипломларини аъло баҳога ёқлашди ва ўша университетнинг аспирантурасида таҳсилни давом эттириш тўғрисида таклифнома олдилар.

Кейинчалик ўз дорилфунунларига ўқитувчи бўлиб қайтиб келиб, инглиз тилида дарс берадилар. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли»дан бири шу эмасми!

ПАХТА—ВАТАНГА!

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 6 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан, бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Фарғона	2,70	38,80	1,99	15,38
Бухоро	2,40	32,84	1,24	9,19
Андижон	2,83	26,28	2,13	6,90
Хоразм	1,42	25,48	0,05	0,07
Сурхондарё	2,01	23,35	1,74	13,85
Наманган	2,78	17,78	1,63	7,69
Қашқадарё	1,96	14,57	1,63	9,50
Навоий	1,43	12,29	0,16	0,59
Қорақалпоғистон Республикаси	1,43	12,21	0,52	1,79
Тошкент	0,84	7,30	0,39	1,38
Сирдарё	0,42	2,64	0,16	0,29
Самарқанд	0,64	2,55	0,18	0,47
Жиззах	0,46	1,56	0,39	0,96
Республика бўйича	**1,70**	**17,62**	**0,96**	**5,28**
ШУ ЖУМЛАДАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА				
Наманган	1,66	20,63	—	—
Сурхондарё	1,62	18,79	—	—
Навоий	0,36	4,37	—	—
Қашқадарё	0,47	2,59	—	—
Бухоро	—	—	—	—
Андижон	—	—	—	—
Республика бўйича	**1,33**	**14,84**	—	—

Ф. СМ—1

ССЖИ Алоқа вазирлиги «Матбуот» уюшмаси

АБОНЕМЕНТ рўзнома ойнома «Халқ сўзи» 64608 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) Обуна сони 1

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

Кимга

(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

п. в. жойи

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64608 (нашр кўрсаткичи)

«Халқ сўзи»

(нашр номи)

Обунани янги манзилга юбориш | Баҳоси | Сўм | Обуна сони

Баҳоси | Сўм

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

— Сиз Ўзбекистон Республикаси юқори давлат ташкилотларининг муҳим қарорлари билан ҳаммадан илгари танишишни;

— Республикамиз, Ҳамдўстлик мамлакатлари ва узоқ чет давлатларда бўлаётган ҳодисалар ҳақида оператив хабар топишни истасангиз;

— Иқтисод, сиёсат, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳар қандай жиҳатлари ҳақида муаммоли масалаларни кўтармоқчи ва овозингизни Олий Кенгаш, Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг энг юқори идораларида эшитишларини хоҳласангиз;

— «Халқ сўзи»га обуна бўлинг.

Газетанинг бир йиллик обуна баҳоси 390 сўм.

Олти ойга 195 сўм.

Уч ойга 98 сўм.

Бир ойга 49 сўм.

Газета ҳафтада беш кун чиқиши эътиборга олинса, ҳозирги нарх-навода бу пул у қадар кўп эмаслиги аён бўлади.

• *Депутатлар ҳақида ҳикоялар*

ХАЛҚ НАЗАРИДАГИ ОДАМ

Тожиддин РАЗЗОҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

Эсингизда бўлса, бундан учтўрт йил илгари демократия томон юз буришни халқ бошлаган эди. Халқ аввал раҳбарларни сайлаб қўя бошлади. Гапи қўр еганда кейин эса ўзидан кетди— давлат ишларига аралаша бошлади...

Худди ўша кунлари Эшдавлат Сафаров раислик қилаётган Ленин номли жамоа хўжалигининг истиқоматчилари ер жанжалини бошлаб юбордилар. «Фалончи йиллари фалон ерлар бизнинг колхозимизга қарашли эди, аммо кейинги раҳбарлар умумий йиғилиш ижозатини олмасдан бизнинг ерларни фалончи колхозга бериб юборганлар. Биз бу ҳаракатни қоралаймиз ва фалончи йилда тузилган харитага мувофиқ фалон-фалон ерлар бизнинг колхозимизга қайтариб берилиши керак!»

Сариосиё районида сочини ялтиллатиб орқасига тараб юрадиган райижроқўм раиси бўлгувчи эди. Ҳалиги талаб билан келган колхозчилар раис идорасини қамал қилдилар. «Эртага келинг!» деган гаплар жонига теккан халқ, ижроқўм идорасини кеча-кундуз «қўриқлай» бошлади. Охири вилоят ижроқўмининг раиси Тилло Менглиев бошчилигида бир гуруҳ раҳбарлар Сариосиёга келди. Менглиев Эшдавлат Сафаровга деди: «Халқни тинчитинг. Агар бизнинг бу топшириғимизни бажармасангиз сизни жазолаймиз!» Ҳаммадан орқада ўтирган Эшдавлат Сафаров ўрнидан туриб бундай деган эди ўшанда: «Мен халққа қарши боролмайман. Агар раислик керак бўлса топширaман». Раҳбарлардан кимдир «Бўлмаса сизга жавоб!» дегандан сўнг Эшдавлат Сафаров ташқарига чиқиб кетди.

Бу тафсилотларни эзмаланиб тасвирлашдан муддао шулки, орадан саноқли кунлар ўтгандан кейин ўша Тилло Менглиевнинг ўзи Эшдавлат Сафаровни Сариосиё райижроқўмига раис қилиб қўйди. «Э, қойил!» деган эдим ўшанда.

Ўша кунлари Ўзбекистон халқ депутатларининг сайлови бошланиб кетди. Шошилинч равишда райкомнинг биринчи котиби Хомякнинг номзоди кўрсатилди. Ленин номли колхоздан Эшдавлат Сафаровнинг ҳам номзодини кўрсатиб, ҳужжатларини районга олиб келишган эди. «Юқорининг рухсати олингани йўқ!» деб уларни изига қайтариб юборишди. Эшдавлат Сафаровнинг ўзи ҳам «Майли, қўйинглар, депутат бўлишни бизга ким қўйибди!» деди. Қарангки, бир ўзи бўлса ҳам жаноби Хомяк... ўтолмади.

Сайловнинг натижалари сабаб бўлдими, ё бошқа бирон гап ўтдими, Хомяк домла ишни ўзгартириб кетдилар. Коммунистик партия у кишини табиатнинг муҳофазасига сафарбар этди. Унинг ўрнига яқиндагина иккинчи секретарликдан Марказий Комитетга ишга кетган Иноят Соҳибович Суннатов деган одам келди. Энди шошилинч равишда яна район партия комитетининг биринчи секретари — Суннатовнинг номзоди устида ишлар бошланиб кетди. Сурхон дарёсининг чап қирғоғи бўйлаб чўзилиб кетган Ленин номли жамоа хўжалиги сайловчилари ҳам яна Эшдавлат Сафаровнинг номзодини кўрсатишди. Қаердандир район прокурорининг, яна икки кишининг номзоди кўрсатилди. Сайловда эса ҳаммадан кўп... Эшдавлат Сафаров овоз олди.

Буҳрон чоғи раҳбарларга бўлган ишонч энг паст нуқтага тушади. Мен шу бир неча йил ичида қайси хўжаликка бормайин колхозчиларнинг раисдан норозичилигини кузатганман. Аммо Эшдавлат Сафаровни бу қисмат четлаб ўтди. Нега?

У Ленин колхозига тўққиз йил раислик қилди. Иш бошлаганида колхоз Плюшкиннинг қўрғонига ўхшаб қолганди. Биронта план бажарилмас, колхозчилар ночор истиқомат қилар, боғлар қуриб кетган, емиш йўқлигидан моллар ўлат теккайдек қириларди. Колхоз раҳбарлари эса раислик курсисини талашиш билан овора эди. Эшдавлат Сафаров раисликка боргандан сўнг бир-бири билан мухолифатдаги барча кучларни бирлаштирди. Эчкимижоз бўлиб қолган сигирлар яна аслига қайтди. Колхоз пахта планини районда, баъзан вилоятда биринчи бўлиб тўлдирадиган даражага етди. Бедазорлар кенгайтирилди. Кўпдан-кўп қурилишлар қилинди. Катта олма боғ бунёд этилди. Колхозчиларнинг бири икки бўлди. Энг муҳими буларнинг ҳаммасини халқ қурди. Ана шунинг учун ҳам «Халқни тинчитмасангиз — йўқолинг!» деб турган раҳбарларнинг қўлидан ҳеч иш келмади. Колхозўринбосарларимга барча тармоқларни бўлиб берганман. Депутатлар корпуси жуда яхши ишлаяпти. Бирон бир вазифага тайинлаш масаласи энг аввало, доимий комиссияларда кўриб чиқилади. Шундан сўнг муҳокамага қўйилади. Бошқарувнинг бу усули хуфёна иш юритиш томирларини қирқади. Халқ ҳаммасини кўриб турибди: ундан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Шунинг учун...

— Нима?

—...аниқ ҳисоб-китоб билан ишлаш керак. Масалан, ҳозир Иттифоқ йўқ. Аммо унинг тартиблари ишлаяпти. Биз мутлақо янги жамиятга қадам қўймоқдамиз. Бироқ ҳозирча, бу жамиятда қўлланиладиган ва унга мос келадиган қонунларимиз йўқ. Бу эса бир қанча англашилмовчиликларни келтириб чиқаради. Масалан халқ мелисаларнинг ишидан норози. Аммо Шарофуддиновнинг Термизда ҳам, Тошкентда ҳам катталари бор. Мен буни яхши биламан. Аммо шундай бўлса ҳам ҳоким сифатида ички ишларнинг фаолиятини қўлимда қаттиқ ушлаб тураман. Чунки Узундаги аҳвол учун ҳоким жавоб беради. Бунинг учун мендан ҳисоб сўрайдиган одам менинг қўлимга ваколатни ҳам бериши керак-да. Аммо ҳозир ваколат кутиб ўтирадиган замон эмас, Бугунги куннинг энг катта топшириғи — юртнинг осойишталигини сақлаш. Чунки, юртда хотиржамлик бўлмас экан у ерда ҳеч қандай иш қилиб бўлмайди. Халқнинг норозичилигини уйғотадиган ҳар қандай ҳаракатни имкон қадар фош этамиз.

— Сиз андиша қиляпсиз: мен бир гапни айтай. Илгариги раҳбарларнинг ҳаммаси меҳмон эди. Улар бугун бўлмаса эртага бу ерлардан кетишини билар эдилар. Шунинг учун юртга меҳр қўймас, куннинг ўтарини кўзлар эдилар. Ҳар сойнинг тулкисини ўша сойнинг тозиси билан овлаш керак. Сиз ҳали Узунни айтаяпсиз. Сурхондарёга қаранг. Тарихда биринчи марта шу ерда туғилиб ўсган одам вилоят раҳбари бўлди. Ўзбекистон ҳукуматининг ана шу сиёсати ҳар бир халққа ҳам катта эътиборку.

— Кейинги пайтда Президентимизни тафтиш қиладиганлар кўпайиб кетди. Ҳозиргина айтганингиздек тарозининг икки палласи бор-да. Менинг назаримда, Ўзбекистон тарихида биринчи марта Ислом Абдуғаниевич раҳбарлик, юртни бошқаришни адолатли ҳал қилди. Агар бош масала адолатли ҳал қилинса, қолган ҳамма масалалар ҳам яхши бўлади.

Сурхондарёда Узундан хушҳаво, хушманзара яхши жой йўқ. Шундай бўлса ҳам бу ерда қилинадиган ишлар кўп. Мана, газлаштириш деймиз. Қани ўша газ! Биласизми, юрт обод бўлиши керак. Бунинг иложи бор. Фақат рухсат бўлса бўлгани.

Ўтган йили одамларни тўплаб ҳаммага сабзи экиш топшириғини бердим. Чунки, қишнинг охири баҳорнинг бошига бориб бозорда сабзи нархи осмонга чиқиб кетар эди. Биласизми, бу йил анча арзонлашди. Демак, ҳар нарса ҳам мўл бўлса, нархи тушар экан-да. Мана, бизда ҳозир гуруч қиммат. Сариосиё ва Узун районларида бир кило ҳам шоли етиштирилмайди. Ваҳоланки, биз билан шароити бир бўлган Тожикистоннинг Регар районида шу даражада кўп шоли етиштириладики, ўзларидан орттириб Сурхондарёни ҳам таъминлашади. Шунинг учун бу йил ҳар бир хўжаликка ўн гектардан шоли экиш топшириғини бердим. Ҳар колхознинг ўз балиқчилик хўжалиги бўлади. Ҳозир бизда тегирмонсиз қишлоқ қолмади, ҳисоб. Бу — нима дегани? Биз аста-секин одамларни боқимандалик кайфиятидан қутқаришимиз керак. Ҳар ким ўз кунини ўзи ўтказишга ҳаракат қилсин. Бунинг айби йўқ.

Тожикистон алюмин заводи қўл узатса етадиган жойда турибди. Шундоқ бўлса ҳам биз бу йил юз тонна пилла етиштирдик. Ана шу тариқа тўрт ярим миллион сўм пул пиллабоқарларнинг рўзғорига кирди. Аммо бизнинг таркибий қисмимиз бўлган Сариосиё районида бу йил бир кило ҳам пилла етиштирилмади.

— Умуман Ўзбекистоннинг эртаси қандай бўлади?

— Жуда яхши! Бўлмаса, бугунги ҳаракатларимизнинг маъниси қолмайди.

Мен эса бундай ўйлайман: «Биз эртага, албатта, яхши яшашимиз... керак».

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг ўзига хос қийинчиликларига қарамай, Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат аҳли муваффақиятли ишламоқда. Шартнома шартлари тўла-тўкис бажарилаяпти, харидорларнинг талаблари асосида маҳсулот ишлаб чиқарилаётир. Айни кунларда жамоа шу йил 8—18 октябрда Бирлашган Араб Амирликларининг Шарж шаҳрида ўтадиган халқаро кўргазма-ярмаркада қатнашиш учун ҳозирлик кўрмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Технолог Маҳфуза Муҳаммадалиева (чапдан) ва катта назоратчи Мавжуда Сагидулина тайёр маҳсулотларни кўздан кечиришяпти. 2. Илғор тўқувчи Муҳаббат Комилова. 3. Ҳакима Соипова ҳамиша ҳушёр.

Р. ШАМСУДДИНОВ олган суратлар. (ЎзА).

Расмий жавоб

БИЗ УЧУН КИМ ҚАЙҒУРАДИ?

(1992 йил, 26 июнь)

Фориш районидаги «Фориш» давлат хўжалиги 4-бўлимининг бош чўпони М. Баратовнинг «Биз учун ким қайғуради» сарлавҳали мақоласи босилган эди.

Унда 23-майда ёққан дўл туфайли 9 бош майда туёқли моллар ҳаром ўлганлиги, яйловда хашак қолмаганлиги, чўпонлар қароргоҳи электрлаштирилмаганлиги, раҳбарлар эса бу ҳақдаги арзларни инобатга олмаётганлиги баён қилинганди. Мақоладаги ушбу масалаларни кўриб чиқиш ва чора белгилаш учун район ҳокимлигига юборилди.

Муҳарририятимиз Фориш район ҳокимининг ўринбосари Т. Есимов имзоси билан қуйидаги жавобни олди: «Халқ сўзи» рўзномасида чоп этилган «Биз учун ким қайғуради» сарлавҳали мақола юзасидан вилоят қоракўл ишлаб чиқариш бирлашмаси ва район агросаноат уюшмаси мутахассислари текшириш ўтказганда қуйидагилар маълум бўлди: Еғингарчилик кўп бўлганлиги натижасида шу отарда 6 бош ҳалол (сўйилган) ва 9 бош майда мол ҳаром ўлган. «Фориш» давлат хўжалиги директорининг 1992 йил 9 апрель №38—С сонли буйруғида, обҳаво хавф-хатари кутилаётганлиги, қўйларнинг жунлари қирқилгани туфайли уларни қўрақўтонлардан узоқда боқмаслик тўғрисида огоҳлантирилган. Бу буйруқ билан М. Баратов ҳам таништирилган. Шу яйловда жойлашган А. Неъматов, З. Ҳожиев отарларида ана шу шароитда чиқимга йўл қўйилмагани ҳолда, М. Баратов отари қаровсиз қолганлиги туфайли чиқимга йўл қўйилган.

М. Баратовнинг отарлар электрлаштирилмаганлиги тўғрисидаги эътирози тўғри. Бу масала «Фориш» давлат хўжалиги электрлаштириш режасига киритилган бўлиб, маблағ йўқлиги сабабли ечилмай турибди».

• *Дарднинг томчиси*

ЖИЗМОНСОЙГА БИР КЕЛИБ КЕТИНГ

Жизмонсой қишлоғи Каттақўрғон ноҳиясида Оқтов бағрига жойлашган. Ерлари ҳосилдор, чорвачилик ва боғдорчилик учун қулай. Қишлоқ узумлари, майизлари бутун Ўзбекистонга машҳур. Йигитлари ҳунарманд. Қизлари гиламлар тўқийди, бадиий каштачилик билан шуғулланишади.

Қишлоқ тоғ бағрида сув ҳавзалари бор: бу сувлардан кўп мақсадларда фойдаланса бўлади. Бир неча ўн минг гектар еримиз бор. Бу ерлар ҳеч қандай минерал ўғит талаб қилмайди, экологик жиҳатдан тоза. Кунжут, зиғир ва бошқа полиз экинларини етиштириш мумкин. Ишбилармонлик, жонкуярлик билан чора-тадбирлар кўрилса, аҳолини иш билан таъминлаш, турмуш даражасини яхшилаш имкониятлари мавжуд.

Бу ердаги аҳолининг меҳнат, турмуш шароитларини кўриб, ранжиб кетасан киши. Аҳволни сўз билан таърифлаш қийин. Қишлоқнинг айрим уйларида телевизор, радио борлигини ҳисобга олмаганда, жумҳуриятимизда сўнгги йилларда бўлган, маданий-иқтисодий силжишлар, бу ерни четлаб ўтганга ўхшайди. Ҳозир бу қишлоқда 5 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Қишлоқ қурилишида бироз тартиб бўлса ҳам бугунги кун талаб даражасида эмас. Уйларини ҳар ким хоҳлаган ерига, хоҳлаганича қуриб олган. Қишлоқда яшаётган аҳолидан фақат 150 кишигина давлат хўжалигида ишлайди. Улардан баъзиларининг иш жойи доимий эмас. Давлат хўжалигининг даромади жуда оз бўлганлиги сабабли, ишчиларнинг оладиган иш ҳақи кам, кўп болали оилаларнинг эҳтиёжи учун асло етмайди. Бутун қишлоқ аёлларидан беш кишигина ишлайди, холос. Қишлоқ Самарқанддай шаҳри азимдан 150 километр нарида жойлашган. 5 минг кишидан ортиқ аҳолиси бўлган катта бир қишлоқда касалхона тугул оддийгина тиббиёт пункти ҳам йўқ. Агар биров касал бўлиб қолса, уни Каттақўрғонга ёки Самарқандга олиб бориш керак бўлади.

Бу ердаги мактабларни айтмайсизми? Қишлоқда бири саккиз йиллик, бири ўн йиллик иккита мактаб бор. Мен иккаласида ҳам ўқиганман. Буларни билим ўчоғи, ёшлар таълим ва тарбия оладиган маскан, деб айтишга тил бормайди. Синфлар полсиз, борлари ҳам кўримсиз ҳолда.

Қишлоқ аҳолисининг 97 фоизи ҳаммом нималигини билмайди. Аҳолининг турмуш ва яшаш шароитлари ночор бўлган бундай шароитда болаларнинг қорнини тўйдириш, яхши кийинтириш, кишиларнинг маданий дам олишини ташкил этиш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бу муаммолар билан бош қотираётган раҳбарнинг ўзи йўқ. Қишлоқ кенгаши ноиблари қишлоқ муаммолари билан қизиқишмайди. Вилоят кенгашига 123-Бурган сайлов участкасидан сайланган, депутат Шариф Остонов Жизман қишлоғи қаерга жойлашганлигини билмаса ҳам, керак.

Қишлоқни бундай оғир аҳволдан олиб чиқиш имкониятлари борми, деган савол туғилади. Албатта бор. Қишлоқда янги мактаб биноси, шифохона, ҳаммом қуриш ва қишлоқни газлаштириш керак. Қишлоқ йўлларини яхшилаш, алоқа воситаларини туман маркази билан боғлаш, қишлоқда кичик каштачилик, гилам, пайпоқ тўқийдиган цехлар ва бошқа кичик корхоналар қуриш зарур. Яна бир масала, насос станцияси орқали Қорабулоққа сув келтириш керак. Шу ишлар амалга оширилса, қишлоғимизнинг қатор муаммолари ўз ечимини топган бўлар эди. Бу ерда 1300-1500 гектар ерни ўзлаштириб, узумзорга ва чорвачилик учун ўтзорга айлантириш мумкин. Янги ўзлаштирилган жойларда узумчилик билан бир қаторда полизчилик ва бошқа соҳаларни ривожлантириб аҳоли учун зарур маҳсулотлар етиштириш лозим. Шунда ишсизларни иш билан таъминлаш имкони туғилади.

Булардан ташқари қишлоқнинг Дара даҳасини ўзлаштириб, ёшлар ва катталар учун дам оладиган масканлар қуриш мумкин. Бундай соя-салқин манзара жойларни яқин атрофдан топиш қийин. Агар шу тадбирлар амалга оширилса йўл қурилишию, газлаштириш, ҳаммом, касалхона қурилиши, алоқа воситалари, савдо ишларини йўлга қўйишда кўпгина ташкилотлар ёрдам бериши мумкин. Бу муаммоларни ҳал этиш аҳолининг турмуш даражасини бир мунча ўзгартиради, деб ўйлайман.

Зайниддин НАРМОН ўғли.

«ХАЛҚ СЎЗИ» СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу алоқа хатини шунчаки эътиборингизга ҳавола қилганимиз йўқ. Уни бизга «Народное слово»нинг Навоий вилоятидаги ўз мухбири К. Белугина йўллади. Шуниси қувончлики, у ерда парламент-ҳукумат газеталарига ана шундай ҳурмат билан муносабатда бўлинаётир. Бу — юксак сиёсий маданиятлилик намунасидир.

Зарафшон, Учқудуқ, Томди ва Нуротада Олий Кенгаш ва Президент ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси газетасига обуна бошқа баъзи ҳудудларга қараганда жонли ўтмоқда. Вилоят раҳбарлари ўзлари парламент-ҳукумат матбуоти билан доимий алоқада бўлишни зарур деб ҳисобламоқдалар. Улардаги бу қатъият қуйи бўғинларда ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Леонид Виленский ҳақ: Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа муҳим ҳужжатлар дарҳақиқат даставвал бизнинг газеталаримизда чоп этилади. Шу ўринда баъзи жойлардаги ҳуқуқтартибот ходимлари ҳам бу рўзномаларга ёзилмаганликларини айтмай иложи йўқ. Ҳолбуки, қонунчи эълон қилаётган қонунларни аввало ана шу соҳа кишилари кузатиб боришлари керак.

Навоийдаги мухбирлик қўналғасидан яна қуйидагиларни хабар қилишди: вилоят ҳокимлиги қизиқиш билан қараётганлиги туфайли кутубхоналар, корхоналар, бошқарув бўғинларида рўзномамиз обунаси жадаллашаётир. Навоий тоғкон металлургия комбинати ва Навоий қурилиш бошқармаси касаба қўмиталари келгуси йил учун бир қанча нусхадан «Халқ сўзи» ва «Народное слово»га ёзилишди. Зарафшон шаҳри ҳокими Баҳодир Қодировнинг таъкидлашича, тадбиркорлар доирасидаги ишбилармонлар яқин кунларда ўз маблағлари ҳисобидан нафақахўр, уруш фахрийлари ва кам таъминланган кишиларга обуна расмийлаштиришади. Тоғ-кон металлургия комбинати 500 ишчини корхона ҳисобидан обуна қилиш учун ҳадемай алоқачиларга маблағ ўтказади. Мухбирлик қўналғаси билан тузилган шартномага кўра, ишлаб чиқариш илғорлари, фаол жамоатчилар, турли тоифадаги депутатлар «Халқ сўзи» ва «Народное слово» ўқувчилари бўлишади.

Биз эса навқирон давлатнинг навқирон газетасини қўллаб-қувватлаганларга миннатдорчилик изҳор этамиз.

БАЙРАМ ҚАЙТИБ КЕЛАВЕРАДИ

БУ ЙИЛ навоийликлар ўз шаҳарларининг 34 йиллигини нишонладилар. Шу муносабат билан шаҳар ҳокими махсус фармойиш чиқариб, ҳар йили «Шаҳар куни»ни нишонлашга қарор қилинди.

Ўтган якшанбада шаҳар куни кенг нишонланди. Хонандалар кўнгилни кўтарувчи қўшиқлар айтдилар. Аммо кўпчиликнинг эътибори байрам муносабати билан ташкил этилган озиқ-овқат савдоси расталарида бўлди. Улар атрофидаги гавжум навбатлар кишилардаги байрам кайфиятини туширмади. Чунки кўнгилни юпантирувчи сабаб бор эди: «Байрам ҳар йили қайтиб келаверади.»

М. МАРДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АРАВОНДА ОЛИМ ЮБИЛЕЙИ НИШОНЛАНДИ

АРАВОН туманида атоқли олим Ҳабиб Абдуллаевнинг 80 йиллик юбилейи нишонланди.

Тантаналарда қўшни Андижон вилояти ҳокимлиги, Тошкент геология ва геофизика институти вакиллари ва бошқа ўзбекистонлик меҳмонлар иштирок этишди.

Олим номидаги мактабда унинг бюсти очилди. Ҳабиб Абдуллаев маҳалласида озиқ-овқат ярмаркаси уюштирилиб, Чорбоғ профилактории сида аравонлик ўзбек ва қирғиз санъаткорлари ижросидаги катта концерт намойиш этилди.

К. РАҲИМОВ.

ШАРОФ РАШИДОВ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИНИНГ ЭНГ ЖОНКУЯР ТАШАББУСКОРЛАРИДАН ЭДИ

(Боши 1-бетда).

— Пойтахтликлар учун эса гўзаллик, эзгулик билан учрашув байрамлари кинотеатрларда давом этади...

— Кинотеатрлар ҳам тайёргарликни ниҳоясига етказдилар, ҳисоб. Шу ўринда айтиб ўтмоқчиман, Нодирабегим номли кинотеатрда Раж Капур фильмларининг ретроспектив намойиши бўлади. Ҳинд фильмлари, айниқса Раж Капур санъати, маҳоратининг ихлосмандларига бу жуда катта совғадир.

Республикамиз мустақилликнинг машаққатли, масъулиятли йўлига чиқиб бораётган айни кунларда фестивалнинг аҳамиятини қандай шарҳлайсиз?

— Бу анжуман Тошкент — дўстлик, тинчлик, қардошлик шаҳри деган азалий ибораниг ҳақиқатлигини яна бир карра исботлайди. Халқимизнинг очиққўнгиллиги, меҳмондўстлиги дунёга маълум. Лекин кейинги 5—6 йил ичида ўзбеклар шаънига доғ тушириш учун Москва матбуоти анча-мунча ҳаракат қилди. Бу уйдирмалар қора ниятлиларнинг кўролмаслиги, душманлиги эканлигини ҳам кинoанжуман намойиш этади. Дунёнинг тараққийпарвар давлатлари учун маънавий муҳити соғлом, тинч яратувчилик йўлини қатъий танлаган мамлакатлар билан ҳамкорлик ўта муҳим бўлган ҳозирги даврда бу фестивал мустақил Ўзбекистонимиз истиқболига катта хизмат қилади.

Кейинги пайтда кексалар, эҳтиёжмандларга эътибор, ёрдам кўрсатиш кундалик фаолиятимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолди. Кинофестивал кунларида ҳам саховат ишлари режалаштирилганми?

— Нафақа олувчилар, уруш ва меҳнат фахрийлари, Мустақиллик байрамининг бир йиллигини нишонлашда фаол қатнашган маҳаллалар вакилларига бепул абонементлар, таклифномалар тарқатилади. Хуллас, Тошкент Халқаро кинофестивали ҳамманинг байрамига айланиши учун бор имкониятлардан фойдаланиш тадоригини кўраяпмиз.

— Суҳбатингиз учун яна бир бор раҳмат. Элу улус фаровонлиги йўлида қилаётган меҳнатларингиз қалбингизга байрам бўлиб қайтсин.

Муҳтарама УЛУҒ суҳбатлашди.

ОБИДАЛАРНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Самарқандда «меъморчилик ёдгорликларини қайта тиклаш-таъмирлашда ишлатиладиган янги материаллар» мавзуига бағишланган иккинчи халқаро илмий-техник анжуман якунланди.

Анжуманда Москва, Санкт-Петербург, Олмаота, Одесса, шаҳарлари ҳамда бошқа хорижий мамлакатлардан келган олимлар ва мутахассислар қатнашдилар. Улар уч кун мобайнида Самарқанддаги ноёб обидаларнинг аҳволини ўргандилар, ёдгорликларни сақлаш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини айтдилар.

— Анжуман меъморчилик соҳасида шаҳзода Оғахон маданият жамғармаси мукофоти топириладиган кунларда ўтди, — деди ЎзА мухбири билан суҳбатда Самарқанд меъморчилик-қурилиш институтининг ректори, профессор Р. Холмуродов. — Бу жамғарма кўҳна Самарқандни тиклаш ва таъмирлаш борасидаги энг яхши лойиҳа танловига раҳнамолик қилаётгани, унинг саъй-ҳаракати билан Улуғбек маданий марказининг бунёд этилиши жуда савобли иш бўлди.

(ЎзА мухбири).

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпелини босиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Рўзнома ва ойномага обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштиришганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан, шунингдек «Матбуот уюшмаси» жадвалидаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Манзилгоҳ ўзгартирилганида, ойларнинг катакларини ва «ПВ—ЖОЙИ» катакларини алоқа бўлими ва «Матбуот уюшмаси» ишчилари тўлдиришади.

Б-715—15.000.000—91 й

БУХОРО ВА ХОРИЖ

ЙЎЛСОЗЛАР ЙЎЛ ТОПИШДИ

Бухоролик йўлсозлар республикада биринчи бўлиб хориж фирмалари билан алоқа боғлашганди.

Мустақиллик байрами арафасида Бухорога Гонар Данилсон бошчилигида бир гуруҳ Швеция йўлсозлик хусусий фирмаларининг вакиллари ташриф буюришди. Бухоролик йўлсозлар ўзларининг мармар карьерларида уларнинг тош майдалаш жараёнида ишлатиладиган техника ва технологиясидан фойдаланиш ниятидадир. Бунинг учун швециялик йўлсозлар ҳамкасбларига ўз тажрибалари ва янги технологиядан қандай фойдаланиш тўғрисида лекциялар ўқишди. Шунингдек, бухороликлар Швецияда йўлсозликнинг ташкил этилиши, давлат томонидан бошқарилиши тўғрисидаги видеофильмлар, техник адабиётлар билан танишдилар.

Вилоят йўлсозлик ташкилотлари бирлашган кенгаши қошида мадраса очишга тайёргарлик кўрилмоқда. Мадрасада нафақат йўл қурилиши, балки ислом ва унинг тарихи, замонавий техника; шу жумладан компьютер машиналарида ишлаш ҳам ўргатилади. Келгусида бу даргоҳда республикамизнинг барча тармоқ корхона ва ташкилотлари учун мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган.

ТОШБАҚА ГЎШТИНИ ЕГАНМИСИЗ?

Европанинг бирқанча мамлакатларида тошбақа шўрвасини маза қилиб ичишади. Бизда тошбақа кўпу, истеъмол қиладиган йўқ. Уни урчитиб хорижий мамлакатларга сотиш асосида қанчалар доллар ишлаш мумкин.

Бундай имкониятдан хабардор японлар Бухоро вилоятида тошбақачиликни ривожлантиришга мўлжаллаган технологияларини таклиф этишмоқда. Улар қуриб, ишлатиб беришни ҳам зиммаларига олишган.

Бу таклифни Ромитан районидаги кўп тармоқли «Гранит» корхонаси раҳбарлари тарозига солиб кўришиб, тошбақачиликни ҳам йўлга қўйса бўлади, дейишмоқда. Мазкур таомга французлар кўпроқ ўч бўлишади. Ҳар қалай уларга ромитанча тошбақа шўрвасини ичиш насиб этса керак.

«БИЗДАН ПУЛ, СИЗДАН ТАШВИҚОТ»

Россиянинг Иваново вилоятидаги «Сипанс» ишлаб чиқариш тижорат корхонаси Ромитан тумани «Дўстлик байроғи» рўзномасига ҳомийлик қилиш фикрини билдирганда, бу ердагилар олдин ўйлаб қолишди.

Уларнинг шартларини эшитганларидан сўнг эса рози бўлишди. Дўстларимиз ваъда вафоси билан, деб рўзнома ҳисобига 121 минг сўмдан зиёд пул ўтказганлари ишончни янада мустаҳкамлади. Ўз навбатида рўзнома ҳам «Сипанс» корхонаси фаолияти ҳақида мақолалар ва эълонлар бериб боради.

Маннон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Бешариқ туманидаги Бешариқ пахта тозалаш заводи бу йил 35 минг 478 тонна пахтани қайта ишлашни режалаштирган. Пахта заводи ўтган йилда 14 минг 209 тонна тола ишлаб чиқариб, ўз маҳсулотларини олтита хорижий давлатга сотди. Бу йил ҳам Польша, Австрия, Швеция, Италия каби давлатлардан буюртма келганлиги завод меҳнаткашларининг ёмон ишламаётганидан далолат беради. Айни вақтда завод ишчиларининг ўртача маоши 5000 — 5500 сўмни ташкил этмоқда.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) 1. Электромонтёр Толибжон Қорабоев, 2. Туман деҳқончилик саноати уюшмаси ранси ўринбосари Авазбек Камолов, завод директори Нуриллло Исломов. 3. Пахтани бунтлаш. 4. «Ниса» автоюк машинаси ҳайдовчиси Абдуфаттоҳ Абдусатторов.

Т. МАҲКАМОВ олган суратлар. (ЎзА).

ЭЗГУ ОРЗУЛАР ЭКРАНИ

ЭРТАГА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА, ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ XI ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛАДИ.

Орзиқиб кутилган ушбу воқеа арафасида «Народное слово» газетаси мухбири, шоир Райим Фарходий XI ТХКФ бош директори, Ўзбекистон Жумҳурияти Давлат кинокомпанияси раиси Х. Жўраев билан суҳбатлашди.



— Хайрулла Равшанович, мана, халқаро кинофестивал «Ассалому алайкум!» дея хуш калом билан фаолият бошлайдиган кун ҳам кириб келаяпти...

— «Ассалому алайкум!» каломи кинофестивалнинг шиори бўлиб, у таржимага муҳтож эмас. Кино ўзининг энг яхши хислатлари билан ҳамиша эзгуликка хизмат қилиб, ер куррасининг турли буржларида умргузаронлик қилаётган одамларга бир-бирларини яхши англашлари учун ёрдам бериб келган. Ишонамизки, бу галги киноанжуман ҳам шу мақсадларга хизмат қилади.

— Тошкент киноанжуманининг янги мазмун касб этганлигидан нафақат унинг шиори, балки янгиланган рамзи (эмблемаси) ҳам далолат бериб турибди. Бу сафар унинг ҳаммамизга маълум белгилари ёнига жумҳуриятимиз Давлат байроғи ҳам қўшилди. Бу нимадан далолат беради?

— Бу галги фестивал тартиб бўйича ўн биринчиси. Аммо у бир йил муқаддам мустақилликка эришган Ўзбекистонда бу гал биринчи марта ўтказилади. Балки «Бу гапни ҳадеб такрорлайвериш шартми?» деювчилар ҳам топилар. Бироқ, Тошкентга турли мамлакатлардан кинематографчилар келишини ҳисобга олмоқ керак. Истаймизки, улар она тупроғимизда юз бераётган туб ўзгаришларни ҳис этсинлар, ўз кўзлари билан кўрсинлар, ишонч ҳосил қилсинлар. Биз фестивалга тайёргарлик кўриш чоғида том маънода мустақил ҳаракат қилдик. Шу пайтгача эса Тошкент фақат учрашувлар ўтказиладиган жой ҳисобланиб, дастури бошданоёқ Москвада тайёрланиб тасдиқланарди. Энди фестивални ўтказишнинг, бутун масъулиятини жумҳуриятимиз ўз зиммасига олди.

Шуни таъкидлаш керакки, Х фестивалдан сўнг орада 4 йиллик узоқ танаффус кечган бўлса-да, жаҳондаги ҳамма мамлакатларда бу анжуман унутилмаган. Анжуманни кинематографчилар ҳам, кўпминг сонли томошабинлар ҳам жуда соғинишибди. Биз ана шу орзулар ушалиши учун қўлдан келганча ҳаракат қилдик.

XI ТКФ ташкилотчилари дастлабки қадамлардаёқ, Ўзбекистон Президенти ва жумҳурият ҳукуматининг хайрихоҳлиги ва кўмагини амалда ҳис қилиб турдилар.

— Анжуман иштирокчилари бўлган мамлакатлар, кино санъати арболари ҳақида энг сўнгги маълумотларни бера олмайсизми? Томошабинларимизни фестивалда иштирок этадиган таниқли кино юлдузлари айниқса қизиқтиради.

— Фестивал иштирокчилари ва меҳмонлари сафи кенгайиб бораяпти. Вакиллар кечадан ташриф буюра бошлашди. Тошкент аэропорти, шаҳар кўчалари, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси фестивал плакатлари билан безатилган, иштирокчи мамлакатлар байроқлари хилпираб турибди.

Радж Капурнинг оиласи ташриф буюрмоқчи. Жаҳон кино юлдузлари орасида энг машҳури, ҳинд киноактрисаси Зийнат Омон, таниқли турк актрисаси Гамза Тунар, мексика кино юлдузи, жюри аъзоси Бланко Герра келиши керак. Вероника Кастро ва Амитхаб Баччан ташрифига умид боғламоқдамиз.

Кинотомошабинлар бу ҳақдаги тўла маълумотлар билан фестивал фильмларини томоша қилиш жараёнларида атрофлича танишадилар. Бу фильмлар Тошкентдаги энг йирик кинотеатрларда, шунингдек вилоятларнинг марказларида намойиш этилади.

Тошкент фестивали муҳим анъанага айланиб қолганлиги ҳаммамизга маълум. У шунчаки кинокўрик бўлиб қолмай, уч қитъа ёзувчилари ҳаракати сингари халқаро ҳаракат тусини олди. Ёдингизда бўлса, Тошкент Руҳи тушунчаси ўшанда яъни бундан ўттиз йиллар илгари пайдо бўлган эди. Эндиликда у янада кенгайиб, тобора инсонпарварлик мазмунини касб этиб, хайрли келажакка умид уйғотмоқда. Меҳмонларимиз Тошкентга тинчлик ва осойишталик воҳасига йўл олгандек, ҳеч қандай ҳадиксиз қадам ранжида қилмоқдалар. Зеро жумҳуриятимизда қандай барқарор сиёсий муҳит ҳукм сурмоқда. Фуқаролар ўртасида аҳиллиноқлик, ишчанлик, ташаббускорлик кайфияти ҳукмрон. Бу мустақиллигимизнинг мустаҳкамлигидан, барча миллатлар жипслашиб, ягона Ўзбекистон халқига айланганидан далолатдир.

Кинофестивал дастури ранг-баранг. Ҳамкасбларнинг ўзаро мулоқотда бўлишлари, танловга қўйилган фильмларни муҳокама этишлари, дунё кинематографияси тақдири хусусида мунозара юритишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Фильм яратувчиларга ҳам, уларни сотиб олувчиларга ҳам кенг ўрин берилади. Томошабинларнинг фикри, баҳоси ҳам муҳим аҳамиятга эга, албатта. Уларнинг мулоҳазаларига қулоқ солмоқ керак. Ўтган фестиваллар сабоғини ёдга олайлик. Яширишнинг ҳожати йўқ, фестивалнинг афишаларига сиёсий рух берилди, гоявий жиҳатдан маъқул кўрилган ленталаргина намойиш этиларди, томоша ярмига бормай, кинохоналар бўшаб қоладиган бадиий ва ҳужжатли фильмлар кўп бўларди...

— Ҳозир ахлоқ-одоб мезони тобора емирилиб бораётгандек туюлмаяптими сизга? Эркинликдан фойдаланган режиссёрлар бошқа томонга зўр бера бошладилар: экранларда шаҳвоний, беҳаё фильмлар кўпайиб кетмоқда.

— Мен буни жанрнинг навбатдаги инқирози дея атаган бўлур эдим. Биз ҳаммамиз ҳозир тижорат мақсадидаги кинонинг тазйиқини бошдан кечирмоқдамиз. Фильм яратиш катта бойлик келтириши мумкинлиги маълум бўлгач, шу йўлга кирилди. Америка киностудияси маркази бўлган Голливуд бу борада катта муваффақиятларга эришди. У ерда истеъдодли кино усталари фаолият кўрсатмоқда. Чинакам бадиий фильмлар яратилаяпти. Аммо шу билан бирга нима учундир «оммавий маданият» дея аталувчи бошиданохиригача инсоннинг энг чуқур ва ёвуз хис-туйғуларини қўзғатувчи воқеалардан иборат фильмлар ҳам чиқарилмоқда. Бундай фильмлар ҳозир фақат МДҲ мамлакатларигина эмас, балки бошқа давлатларни ҳам босиб кетган.

Яқинда Тошкент кинофестивали учун фильмлар танлаш мақсадида Японияда бўлганимда менга шундай гапни айтишди: Япония кинотеатрларида намойиш этилаётган фильмларнинг 60 фоизи Американики экан. Холбуки, Японияда ажойиб кино мактаби шакилланган.

— Бу оқимга қарши бирор чора қўллашнинг иложи бормикин?

— Санъатни савдо-сотиқ манбаига айлантириш вассасасига берилмаслик керак. Бу ўзига хосликни, миллийликни бой беришга олиб келади. Ўйлайманки, бу турли мамлакатларда, шу жумладан Тошкентда ўтказилаётган кинофестивалларнинг савиясига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Япония XI ТХКФ шундай фильмлар тақдим этганки, кино санъатини қадрловчилар кўз олдида ижодкорларнинг беқиёс истеъдодлари намоён бўлади. Бу фильмлар ёқимли, нозик ва нафислиги билан кишини сеҳрлаб қўяди.

Бошқа мамлакатлардан ҳам анчагина яхши фильмлар келтирилган. Хуллас, жюри олдида уларга холис ва одилона баҳо беришдек масъулиятли вазифа турибди.

— Ўзбекистон кино санъати фестивалда қандай кинокартиналари билан иштирок этади?

— Маълумингизким, нуфузли танлов комиссияси икки ҳафтадан зиёд муддат давомида фильмларни кўздан кечириб, танлов учун намойиш қилиш мақсадида 15 тасини ажратди. Шулардан биттаси танловга тавсия этилди. Шунинг ўзи ҳам ютуқ. Кўздан кечирилган фильмлар бизнинг кинематографчиларимиз ёш авлоди ижодига мансубдир.

Шундай бўлдики, қайта қуриш бошланиши муносабати билан «Ўзбекфильм» киностудияси бир қатор майда мустақил студияларга бўлиниб кетди. Хомийлар пайдо бўлди, кўплаб маблағлар сарфланди, бироқ кутилган самарага эришилмади. Янги туғилган кинофирмаларнинг асосий фожеаси шундаки, истеъдод етишмайди. Ҳақиқий фильмни эса ҳақиқий истеъдодлар яратади. Илгари эса «Ўзбекфильм»да ҳар ҳолда тажрибали усталар гуруҳи шакилланган эди. Сценарий устахонаси ишлаб турган эди. Кинолойиҳаларни нуфузли таҳрир кенгаши муҳокама этиб тасдиқларди.

Ўзбек киносига асос соллингандан буён дурдона асарлар бўлмаган деган фикрга ҳеч қачон қўшилмайман. Тўсиқларга қарамай, Б. Пастернак тили билан аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, «ғовлар оша» чинакам жасур ва истеъдодли ижодкорларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўзбек миллий кинематографияси яратилди. Сулаймон Хўжаев, Наби Ғаниев, Йўлдош Аъзамов, Комил Ёрматов ва бошқаларни эслаш кифоя. Ўзбек ҳужжатли киносининг тирик классиги, устоз Малик Қаюмов ҳам шу сафдадир. Ў — ўтган ҳамма Тошкент кинофестиваллари иштирокчиси. Ёши улуғ бўлишига қарамай, тайёргарлик ишлари билан банд, ҳақли равишда XI ТХКФнинг президентидир.

Рўйхатни давом эттириш мумкин. Шуҳрат Аббосов, Равил Ботиров, Элёр Эшмуҳамедов, Али Ҳамроев, Тамара Камолова яратган кўпгина фильмлар томошабинларга маъқул бўлган.

— Менинг тушунишимча, сиз ўзбек миллий кинокомпаниясига раҳбарликни қўлга олиб, Ўзбекистон киносининг қайта туғилиши учун ҳамма ишларни қилишга астойдил киришгансиз...

— Ҳаёт бизга тинимсиз сабоқ бериб боради. Ҳар қандай ишга қўл уришдан аввал ҳам ижобий, ҳам аччиқ сабоқларни ақл тарозисидан ўтказиб турмоқ керакдир. Акс ҳолда, қадамни нотўғри босиш, хато қилиш, қаттиқ қоқилиш ҳеч гап эмас. Бизнинг кинокомпаниямиз, аввало баъзи вазирликларга ўхшаб ўта бюрократик ташкилотга айланмаслик ҳаракатидадир. Ижодни устивор қўйиб, жумҳурият кинематографчилари уюшмаси билан узвий алоқада бўлаяпмиз. Бир неча марта тўпланиб, кино ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши масаласини муҳокама этдик. Давлат кўмаги, албатта бўлади. Зотан кинонинг инсонлар, айниқса ёш авлод тафаккурига таъсири беқиёсдир.

— Мен яқинда «Российские вести»да қуйидаги сатрларни ўқиб қолдим: «Бойлар ҳам йиғлайди» кўп серияли телефильм намойиш этилаётган пайтда МДҲнинг уруш-оловли нуқталарида замбараклларнинг уни ўчади...»

— Бу кино санъати инсонлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолганига ёрқин мисолдир. Аммо замбараклар овози ер юзидан бутунлай ўчиб кетишини истардим. Токи, инсонлар бу ёруғ дунёда тинч ва осойишта, ҳам моддий, ҳам маънавий тўкис ҳаёт кечирсинлар.

— Хайрулла Равшанович, сиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, режиссёр-киноҳужжатчи, тарихимизнинг фожеали воқеаларидан ҳикоя қилувчи бир қатор картиналарнинг муаллифисиз. Чунончи, сизнинг «Фуқаро» («Гражданин») фильмингиз ўтган кинофестивалда кенг акс садо берди. Бугун қайси мавзуда фильм яратишни истардингиз?

— Жумҳуриятимиз ҳаёти, ривожи, кун-бакун демократик давлат тамойилини қандай эгаллаб бораётганлигини лентага туширган бўлур эдим. Республикада ажойиб истеъдодлар, қўли гул меҳнаткашлар озмунчами? Афсуски, биз уларни ўз вақтида илгамаймиз, қўллаб-қувватламаймиз.

Масалан, Президентимиз Ислом Каримовнинг бир кунлик иш фаолиятидан ҳикоя қилувчи фильм яратиш керак эмасми? Ахир унинг ҳар куни халқ манфаати, жумҳуриятимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги тинимсиз иш билан ўтади. Бу муҳим юмушлар катта ақл, жисмоний бардош ва мустаҳкам асаб талаб этади.

— Кинофестивал мавзусига қайтсак. Маданият, умуминсоний қадриятлар халқ академиясининг рамзи Тошкент киноанжумани рамзи билан уйғунлашиб кетган. Давримиз санъатининг бундай ҳомийлар мададига суяниши, сизнингча тўғрими?

— Халқ академиясига раҳмат. Ҳомий доимо биз билан, зарур молиявий ёрдамни аямаяпти. Аввали 5-6 миллион сўм ва 10 минг доллар етадигандек эди. Энди эса сарф-харажатлар ўн баравар кўпаядиган бўлди, аммо ҳомий ҳаммасига тайёр. Бундан ташқари сотилган чипталардан йиғиладиган маблағ ҳам Ўзбекистон ривожига сарфланади. Бунинг устига ҳукумат фестивал кунлари намойиш этиладиган фильмларга қўшимча нархдан солиқ олмайдиган бўлди.

Тошкент шаҳри ҳокимлиги, бир қатор вазирлик ва идоралар тайёргарлик ишларида фаол ёрдам кўрсатдилар.

XI ТХКФ сўзсиз, дунё аҳамиятига молик тадбирдир. Келажакда унинг нуфузи янада ошажак.

Ассалому алайкум!

XI Тошкент Халқаро кинофестивали, сенга оқ йўл!

Она САЙЁРАМИЗ омон бўлсин эдик

РЎЗНОМАЛАР ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.

САРМОЯНГНИ СОЛСАНГ-ЧИ, ЖАПОН

● Япония Россия иқтисоднётига ўз сармоясини солмаяпти, деганда Б. Ельцин ҳақиқатдан унча йироқ эмас эди.

Буни Токиода чиқадиган «Нихон Кейдзай» газетасида босилган жаҳон банкининг ҳисоб-китоблари очиқдан-очиқ тасдиқлайди. Рақамларга қараганда, Япония Россия билан қўшма корхоналар тузишда 16-ўринни эгаллар экан. АҚШ эса бу борада Яниядан 100 марта устун.

ТУБ БУРИЛИШ

● АҚШдаги Президент сайлови кампаниясида туб бурилиш юз берди

Сайлов жараёнини чигаллаштиришни хоҳламасдан сайловолди курашидан четга чиққан техаслик миллиардер Росс Перо президентлик пойгасига мустақил номзод сифатида яна қўшилишини маълум қилди.

«КЎЧАДА ЯШАГАНДАН ҚАМОҚДА ЎТИРИШ МАЪҚУЛРОҚ»

● Тель-Авив шаҳар суди ҳакамлари хусусий автомобилни пачоқлагани учун ҳибсга олинган 40 ёшли муҳожирнинг ғайриоддий илтимосидан лол қолишди.

«Кўчада яшагандан кўра қамоқда ўтириш маъқулроқ», деди И. номли айбланувчи (маҳаллий қонунларга кўра унинг номи айтилмайди).

Икки йилча аввал СССРдан Исроилга кўчиб келган ёлғиз муҳожир тураржой бинонинг тўртинчи қаватидан бир нечта бетон плитани автомобилнинг устига ташлаган эди. Қайсар И. қамалиш учун яна бир марта қонунни бузишга тайёр эканини айтди.

Рата-ТАСС мухбирининг «Маарив» газетасига асосланиб хабар беришича, айбдор ҳакамлар қарори билан руҳий беморлар касалхонасига юборилди.

ОББО, КОНСТАНТИН-ЕЙ...

● Афина яқинидаги собиқ Қирол саройи АҚШ элчихонаси учун 25 йил муддатга ижарага берилди.

Ҳозир Англияда яшаётган Греция собиқ қироли Константиннинг қарзларини узиш масаласини кўриб чиққан мамлакат Парламенти шу қарорни қўллаб-қувватлади. Греция Парламенти қабул қилган махсус қонунга мувофиқ, собиқ қирол Греция ҳукуматига 643 миллион дирҳам тўлаши керак. Бу пул қиролнинг солиқларни тўламагани учун йиғилиб қолган қарзидир.

МУШУК ТЕКИНГА ОФТОБГА ЧИҚМАЙДИ

● Украинанинг Винница шаҳри маъмурлари антиқа қарорга келишди.

Шаҳардаги мавжуд 1200 автомат-телефон 15 тийинлик йўқлигидан туриб қолмаслиги учун аҳоли октябрдан бошлаб, улардан бепул фойдаланадиган бўлди. Алоқачиларгина бу ҳожатбарорликдан хафа. Уларни тушунса бўлади, мушук текинга офтобга чиқармиди?!

ГОРБАЧЕВ ВА СУД

● Россия Конституция судининг судга келиш ҳақидаги таклифига жавобан собиқ КПССнинг собиқ Бош котиби М. Горбачев: «Мен сиёсий суд спектаклига боришни истамайман», — деди.

Биринчи бўлиб ҳуқуқий давлат ҳақида жар солган одамнинг бундай хатти-ҳаракати суд раиси В. Зоркинни жунбишга келтирди. У суд иродасини менсимасликнинг оқибати ёмон бўлиши мумкинлигидан собиқ Бош котибни огоҳлантириб, унга яна бир таклифнома юборишни лозим кўрди.

«МАРИАННА»НИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

● Тилларда достон бўлиб кетган «Бойлар ҳам йиғлайди» телефильмининг бош қаҳрамони мексикалик машҳур киноактриса Вероника Кастронинг бошига севимли Марианнанинг куни тушди.

Узундан-узоқ фильмда қийнаганлари етмагандек, бадхўр одамлар «Марианна»ни ҳаётда ҳам нишонга олдилар. Маълум бўлишича, Доминика Республикаси телевидениесининг 7 ва 11 каналлари Вероника Кастро олиб борадиган ҳафталик мусиқаллари кўрсатувни бир йил давомида бир чақа ҳам тўламай намойиш этган.

Вероника Кастро кўрсатувларининг муаллифлик ҳуқуқига жавоб берувчи Мексиканинг «Телевиса» корпорацияси машҳур киноюлдузни ўз паноҳига олиб, Доминика телевидениесининг «ўғри» каналлари хўжайини Леонель Альпонтега 1,9 миллион долларлик даъвони тақдим этди. Альпонте, салбий қаҳрамонга хос худбинлик билан, «шахсий обрўсига путур етказганликлари» учун даъвогарларнинг ўзини шунча пулга туширишга ваъда берди.

ЗЎРАВОН МУҲОЖИРЛАР

● Сеул суди икки покистонликни қотилликда айблаб, ўлим жазосига ҳукм этди. Агар ҳукм мамлакат олий суди томонидан қайта кўриб чиқилмаса, бу Корея тарихида биринчи марта муҳожир фуқароларнинг қатл этилиши бўлади.

Амир Зомил ва Миён Муҳаммад Аёзнинг айби шундаки, улар ҳамюртларидан газандаларнинг икки гуруҳини ташкил этишган. Бу гуруҳлар Сеулнинг марказида устун бўлиб олиш учун ўзаро қаттиқ жанг қилишган эди. Илгари суд органлари чет эллик фуқароларга раҳмдиллик билан муносабатда бўлишган. Бироқ муҳожирларнинг бу зўравонлиги мамлакат аҳолисини қаттиқ газаблантирди.

КУТИЛМАГАН ҲОМИЛА

● 27 ёшли немис аёли Ганновер шаҳридаги касалхоналарнинг бирида зўр ҳангома кўрсатди. Ёш аёл урология бўлимининг шифокорига қорнининг пастки қисми қаттиқ оғриётганини тўғрисида шикоят қилди.

«Сийдик йўлидаги тош», деб башорат қилди уролог. Бироқ у аёлнинг қорнини ёриб тош ўрнида... қизчани кўргач, ҳайратдан ёқа ушлади. Бунинг устига қизча каттагина — бўйи 50 сантиметр, оғирлиги деярли 3,5 кило экан.

Қизчанинг онаси ҳомиладорлигини сезмаган эди, деб хабар беради РАТА—ТАСС мухбири. Кутилмаган қизчага Анжелика деб ном беришди.

ҚАЙЧИ УЧУН 100 МИНГ МАРКА ТОВОН

●Германиянинг Нюрнберг шаҳрилик 59 ёшли аёл Инга Ян соғлиғини йўқотгани учун 100 минг марка олади. Узоқ тортишувлардан сўнг Нюрнберг шаҳри суди шундай қарор чиқарди.

Рентген Инга Яннинг қорнида жарроҳлик қайчисини кўрсатди. Кишиларда шубҳа бўлмаслиги учун «Экспресс» газетаси 18 сантиметрли бу тиббий асбобнинг суратини босиб чиқарди, деб хабар беради РАТА—ТАСС мухбири.

Суд уч йил давомида ҳақиқий айбдорни топишга ҳаракат қилди. Бироқ, операция қилган иккала шифокор ҳам беморнинг қорнида қайчисини унутиб қолдирганини тан олмади.

Шунинг учун суд иккала клиниканинг ҳам 50 минг маркадан товон тўлаши тўғрисида қарор чиқарди.

Публицистика

БОЛАНГИЗНИНГ БОШИНИ СИЛАНГ...

....Ота-оналар мажлисида бўлиб ўтган бир воқеа сира эсимдан чиқмайди. Эсласам, юрагимда аллақандай оғриқ уйғонади...

Синф раҳбари ҳар бир ота-онага боласининг ўқиши, тартиби, одоб-ахлоқи ҳақида ахборот берди. Ўқиши, хулқ-атвори намунали ўқувчиларнинг ота-оналари ёруғ юз билан ўтирарди. Бунинг акси бўлганлари эса, тажанг, безовта, ўқитувчига еб қўйгудек бўлиб тикилар, бизларни шарманда қилиш учун чақирдингми дегандек безовта, бесаранжон эди. Бу ҳангоманинг тезроқ тугашини кутарди.

Ўғлининг тартибсизлиги, дарсдан тез-тез қочиши, умуман ўқувга хуши йўқлигини эшитган савлатли, пўрим бир ота чидаёлмай, синф раҳбарига дабдурустдан ташланиб қолди:

— Сизлар нима учун маош оласизлар, — деди у, — фақат ўқитганларинг учунми? Ҳозир ҳамма имтиёз, имконият сизларда. Ойликларинг ошдими, ошди. Уй-жойларинг хусусий қилиб берилди. Шаҳар транспортида гердайиб текин юрсаларинг. Яна болайиз ундоқ, болайиз бундоқ деб ваъзхонлик қиласизлар. Болаларни эпласаларинг, мактабда ишлаларинг-да...

Синф раҳбари бирдан довдираб қолди. Айтадиган жавоб сўзини йўқотди. Шу билан ота-оналар мажлиси тугади. Синф раҳбари кўзидаги ёши билан дафтар, китобини кўтариб чиқиб кетди. Ота-оналар ҳам икки гуруҳга бўлиниб, баҳслашиб тарқалишди. Орамиздан бирорта мард чиқиб ҳалиги кимсага «сен нотўғри гапираяпсан», демади...

Бу дунёда тушунмовчиликлар жуда кўп. Мен тарбия билан таълимнинг қўшиб олиб борилишига қарши эмасман. Фақат бир нарсани аниқлаб олиш керак. Таълимнинг негизида тарбия ётмайдими? Мактаб, олийгоҳларни маърифатхона дейилар экан, демак бу ерга қадам қўядиган бола ҳам бунга тайёр бўлиши керак. Бу жойлар тарбиясизларни одам қиладиган даргоҳ эмас. Ножойиз бўлсада, айтишга мажбурман: рўшноликда юрганлардан ташқари, ахлоқ тузатиш, мажбурий меҳнат қилдирувчи лагерларимиз ҳам мавжуд. Умримиз одам тузатиш билан ўтмаяптими?! Шунча ҳаракат қилмайлик, бузилишлар кўп, тузалишлар камроқ-ку. **Аслида бола тарбияси билан ота-она шуғулланиши керак. Таълим олишига кўзи етгач, боласини етаклаб ўқув даргоҳларига қадам қўйиши лозим.**

Бизда ота-она, бола бурчи бирор қонун билан мустаҳкамланмаган. Шахсан мен билмайман. Табиатнинг мўъжизалари қизиқ. Бургут баланд тоғу тошларга ин қуради. Чунки у юксакликда яшайди. Бургут боласи темир қанот бўлгач, секин-секин учишга, парвозга ўргатади. То мустақил учишга ўргангунча баландликдан пастга ташлаб юборади, ярим йўлга етгач, шўнғиб илиб олади. Қўрқ масликни, ботирликни ўргатади. Кўрибсизки, бу қийноқлардан ўтгач, бургут боласи ҳам бургут бўлади. Бу хусусият бошқа қушларда ҳам мавжуд. То учирма қилмагунча тинчи-майди. Табиатнинг бир бўлаги бўлмиш одамдаги бу хусусият қачон ўлди? Албатта — ҳамма давлат боқимандасига айлангач. Боқимандаларда эса жавобгарлик ҳисси бўлмайди.

Ҳозирги кунда ўқитувчи қасами, мактаб ва маҳалла ўртасида тузилаётган шартномалар ҳақидаги гап-сўзлар кўпайиб кетди. Иккала ҳаракат ҳам хайрли. Лекин...

Бизда қадимдан маҳаллага доғ туширганларни сазойи, бадарға қилишган. Яккамахов қилиб бирор даврага қўшишмаган. Ҳозирги кунда ота-онаси, боласи бетайинлар маҳаллаларда озмунчами?..

Мени яна бир нарса қийнайди. У ҳам бўлса болалар орасидаги майда безорилик, ўғирлик. Ўтган ўқув йилининг биринчи чорагида республикада икки мингга яқин майда жиноятчилик, безорилик қайд қилинган. Аниқки, ички ишлар вазирлиги ходимлари бу ҳақда тегишли маҳкамаларга ҳисоб беради. Асосий калтак келиб-келиб Халқ таълими вазирлиги бошига тушади. **Таълим-тарбия ишлари билан фақат республика халқ таълими вазирлиги шуғулланиши керакми? Миршабларимиз, ҳуқуқ ҳимоячиларимизнинг асосий вазифаси ҳам тарбия эмасми? Нега улар тез-тез мактабларга бормайдн? Боланинг бурчи ҳақида, бугунги жамиятнинг тартиботи ҳақида суҳбатлар ўтказмайди? Айниқса ҳозирги кунда бу жуда зарур.**

Ҳар бир жамиятнинг асоси — мактаб ҳисобланади. Агар асос мустаҳкам бўлмаса, чиранишлар беҳуда. Биз оилада ҳам, мактабда ҳам болаларимизга нимани ўргатиб келдик. Таълим-тарбияними? Ҳа. Шу билан бирга болаларимиз онгига даҳшатли бир фикрни қўрғошиндек қуйдик. У ҳам бўлса, пулдан қўрқ, пул бу — душман. Ҳаром. Пулдорлар эса ашаддий, ёвуз, дегани. Етимнинг бошини силаган мамлакат одамлари, яъни бизлар пулдорлардан ҳазар қилардик. Етимлар мамлакатининг бошмиясини сира хаёлга келтирмасдик. Қанча боқимандa авлод кўпайса бу жамиятнинг бойлиги эди. Чунки уларга ҳукм ўтказиш осон-да. Бош шиор — қаноат.

Бир пайтлар биз ҳам ҳунарманд халқ фарзандлари эдик. Мана энди йўқолиб бораётган ҳунармандчиликни тиклаяпмиз. Ана шу ҳунармандларнинг болалари бозорларда дарсдан кейин дўппи, махси, пойафзал, нон, қўйингки, ота-онасининг ҳалол меҳнат маҳсулини сотиб юрган қизларни, болаларни кўп учратганмиз. Мана шуларни тирқиратиб қувиб юрган миршабларни ҳам кўрганмиз. Кошки қувиш, ҳайдаш билан тинчишса эди. Миршабхонага судраб олиб кетишлар, мактабдаги муҳокамалар, жарималар. Натижаси нима бўлди? Бу дунёдан безган минглаб ҳунармандлар касби-корини, дўконини йиғиштирди. «Фабриканинг йўлида, рўмолча топиб олдим» деб кетишди. Омийлик шу даражага бориб етдики, болаларимизнинг қўлидан бирор иш келмайдиган бўлиб қолди. Устоз-шогирдлик анъаналари ўлди. Бир пайтлар ўзини мастеровойлар деб таниган усталар муҳим ишлаб чиқариш корхоналарига жойлашиб олиб, маҳаллий миллат болаларидан мастеровой чиқишига атай монелик қилди. Ҳозирги кунда ана ўшалар биз кўчиб кетсак, бу юрт усталарсиз қолади, деган ташвиқотни юргизишлари бежиз эмас.

Дунё дарвозалари очилгач, миямиз ўз-ўзидан ишлаб кетди. Сармоясиз ҳеч қаёққа боролмаслигимизни сездик...

Болаларни мустақил яшашга ўргатиш муҳимдир. Биз эса болаларни алдаб текин ишлатишга уста эдик. Ёз ойлари меҳнат оромгоҳлари, темурчилар ҳаракатлари улар ихтиёрида эди. Натижасиз, текин хизмат. Ҳар йили юз минглаб болалар ёзги дам олишга чиқади. Дам олиш бекорчиликка айланади. **Нега энди болаларнинг ёзги таътили ана шу тарзда бекордан бекорга ўтиши керак? Ҳозирги кунда шахсий хўжаликлар, ижара—пудрат, фермерлик оилалари кўпайди. Уларнинг болалари даромад нималигини тушунди. Шаҳар жойларида яшовчи болалар нима қилсин? Наҳотки завод, фабрикаларимизда болаларбоп иш топилмаса. Бундан ташқари, ёз ойлари минглаб ишчилар дам олишга чиқади. Шуларнинг ўрнига мактаблар билан олдиндан келишиб, болаларни ишга таклиф қилиш шунча муаммоми. Ахир ҳамма ножўя ҳаракатлар бекорчиликдан чиқади. Болалар хизматини эсдан чиқариб юбордик.**

Америкалик ўқувчи йил давомида ўн учта китоб ўқир экан. Ҳафтада тўрт марта рўзнома билан танишар, асосий қисми фалсафа билан қизиқар, ўттиз икки ёшида етмиш беш минг доллар ишлайдиган даражада яшаш учун интилар экан. Баъзилари эса саксон минг долларга етказишга эришар экан. Тараққий этган мамлакатларнинг барчасида бола мустақил фикрлайди. Бойлик, пул топишдан бездирилмайди.

Охир-оқибат биз бозор иқтисодига дуч келар эканмиз. Етимпарвар мамлакат йўқ бўлиб кетар экан, бу кунларга етгач бошимизни чанғаллаб қолишимизнинг боиси ҳаммага аён. Шу ҳолда ҳам ўтган кунларни эслаб унинг ҳумори билан яшаётганлар ҳам топилади. Очиғи, бу кунлар, йиллар оғир кечади. Ихтиёрни ҳис қилиш оғир. Эски қурилмалар, фикрлар емирилади. Тўпланиб қолган дардлар ярага айланади. Айтган табақалар орасида қаттиқ кураш боради. Ўнгланиш осон кечмайди. Бундай пайтда баъзи бир фармонлар бажарилмай қолади. Мен болаларни бир марта бепул театрга олиб боришни кўзда тутаяпман. Ахир республикамизда саккиз мингдан зиёд мактаб бор-ку. Яралар, дардлар кўп. Биз ўтган кунларни эслаш билан бирга, ўша камчиликларни энди такрорламаслик ҳақида фикр юритаяпмиз. **Хайрли ишларимиз энди кўкараяпти. Шулардан бири—хонадон боғчалари.** Ҳозир асосан Фарғона, Наманган, Самарқанд, Андижон вилоятларида бу кенг йўлга қўйилган. Энг кўпи Фарғона вилоятида. **Шарти ҳам осон. Беш фарзанди бор уйда хонадон боғчаси очилади. Ёки икки овсин болалари йиғилади. Хонадон боғча бошлиғи боғчадаги ходим каби маош олади. Пишириб бергани учун ҳам чорак маош олади.** Республикамизда ота-оналарнинг йиллаб боғчага навбатда туриши сир эмас. Бундан ташқари, серфарзанд миллатмиз. Молия вазирлиги мен бунча маблағни қаёқдан топиб бераман дейиши турган гап. Хонадон боғчаларининг кўпайиши—давр талаби. Энг муҳими, тарбиянинг баҳоси ҳеч қандай маблағ билан ўлчанмайди. Тарбия инқирозга учраса, унда бизга иқтисод ҳам, сиёсат ҳам керак эмас. Хонадон боғчалари мустақиллигимиз нишонаси. Унинг кенг қулоч ёйиши бизнинг эртамизни кўрсатади. Боланинг тақдири билан ота-она шуғулланмас экан, ҳукумат ҳисобидаги тарбиячиларнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди.

Турфа муаммолар, саволлар гирдобида яшаяпмиз. Мустақил Ўзбекистонимиз биздан кўра, бўй чўзаётган, оқу-қорани таниётган норасида гўдакларига кўз тикмоқда. Ана шулар она юрт дардингни олай, яраларингни ўзим тузатаман, ўзим сени дунёга танитаман, аср давомида кутганинг бизлар эдик, деб гуррос-гуррос қадам ташлаб озодлик кўчаларидан юради. Бугунга келиб халқ орасида юрган мақолу маталлар ҳам бошқача мазмун касб этиши янгилик эмас. **Болангни менга кўрсат, мен сенинг кимлигингни айтиб бераман, дейдиган кунлар келди.** Ана ўша меҳрибон қўллар ўз боласининг бошини силай олмаса, унинг оқибати ёмон бўлади...

Сафар БАРНОЕВ.

ЧОЙХОНАГА ҚЎНИБ ЎТИНГ



Сиз суратда кўриб турган чойхона ҳамда Ойқор тоғларидан эланиб тушаётган булоқ суви Ғаллаороллдан ўтадиган марказий йўлнинг шундоқ чеккасида.

Бу гўзал чойхона ҳар бир йўловчининг диққатини беихтиёр ўзига тортади. Айниқса, сафарга чиққанлар ёзнинг жазирама иссиғида ушбу сувдан ичиб «Мовароуннаҳр» чойхонасига қўниб ўтмасдан иложи йўқ. Ўзининг миллий салобати билан қишлоққа кўрк бериб турган бу чойхона «Сарбозор» қишлоқ матлубот жамияти жамоаси раҳбари Мухтор Давронов бошчилигида бунёд этилган. Чойхонага марҳамат азизлар!

Шоназар ИБРОҲИМОВ

олган сурат.

• Газетхон танқид қилади

БЎЗ ЯМОҚ

Ўзбекистоннинг ўз эгаларига қайтарилиши кўплаб қадриятларга жон бағишлади. Жумладан, жойларнинг номланишига ҳушёр зеҳн билан разм солинса, ҳатто мустабидларнинг ити номига кўчалар қўйилгани маълум бўлиб қолди.

Ўзини халқларнинг отаси ҳисоблаган доҳийларнинг номи эса жиннихоналаргача кириб борди. Хайрият, булардан фориғ бўлиб бораяпмиз, муқаддас заминимиз покланмоқда.

Афсус ва надоматлар бўлсинки, бу тоза ҳаво Қашқадарё вилоятининг қўриқ ҳудудларига етиб келмаяпти. Чунончи, 1970 йилда ташкил бўлган, вилоят иқтисодиётидан салмоқли ўринни эгаллаб турган район ҳамон Ульянов номи билан аталиб келинмоқда. Ўсмир Володия қачон келиб бу ерга бирон кўчат ўтқазган экан, билмадим, унинг «табаррук» исм-шарифини харитадан ўчириб ташлашга журъат қила олишмаяпти.

Ҳ. КАРИМОВ.

• ...таклиф қилади

«ШАРОФОБОД» БЎЛСИН

Ульянов районига янгилик нафаси жуда кечикиб етиб келишига бир мисол шуки, яқин-яқинларгача ҳам ноҳияга кираверишдаги тепаликда «Слава КПСС» деган ўқлокдек ёзувлар савлат тўкиб турарди.

Фақат район ҳокимлигига маслаги бутун, эътиқодли раҳбарлар ишга келгандан кейин қизил шиордан ҳалос бўлинди. Бироқ ҳозиргача йўқсиллар доҳийси, одамларни қашшоқлаштириш ғоясининг ижодкори Ульянов номининг сақланиб қолаётганига чидаб бўлмайди.

Мен районнинг номи Шарофобод бўлсин, деб таклиф қиламан. Негаки, ҳурматли Шароф Рашидов бу жойга жуда кўп марта ташриф буюрган, хайрли ишларга бош қўшган. Қолаверса, янги районда фойдаланишга топширилган кўплаб масканларнинг калитини ҳам ўзлари топширганлар. Мабодо, бу таклиф амалга ошса, кўплаб меҳнаткашлар истаги бажо этилган бўлади.

Ч. ЛАТИПОВ.

• ...жон қуйдиради

ГАП ЛИБОСДА ЭМАС, ҚАЛБ ПОКЛИГИДА

Мана, ўзбек халқи ўз мустақиллигига эришганига бир йилдан ошмоқда. Бу даврда халқимиз келажаги йўлида, эзгулик йўлида кўпгина ўзгаришлар рўй берди. Мусулмонлар унутаёзган ўз дини — «ислом динини ўрганмоқдалар, ақидаларига амал қилишга интилмоқдалар.

Яқинда ишим тушиб пойтахтимиз Тошкентда бўлдим. У ерда мадрасаларда ўқиётган қизлар билан суҳбатлашдим. Уларнинг кийинишлари ҳам ўзларига хос, яъни бошқалардан кескин фарқ қилиб туради.

Албатта, улар араб алифбосини ўқиб, ислом таълимотини ўрганиб тўғри қилишмоқда. Айниқса қизлар араб тилини севиб ўрганишаётганини ҳаяжонланиб гапиришди.

Бироқ улардан айримлари кийган кийимларидан норози эканликларини ҳам айтиб қолишди. Дарҳақиқат, бўлажак отин қизларнинг либоси оппоқ бўлиб, фақат икки кўзигина кўринарди, холос.

Шу пайт «Чорсу» бозори ёнидаги мадрасадан қора чиммат ёпинib, паранжи ўраган бир гуруҳ қизлар чиқиб қолди. Уларни кўриб беихтиёр Ҳ. Ниёзийнинг «Ўзбек хотин қизларига» номли шеъри ёдимга тушди. Нега энди хотин-қизларимиз яна мана шу қора ўтмишини эслатувчи паранжига ўраниши керак, дея ўйланиб қолдим.

Мусулмончилик минг йилчилик дейдилар. Мустақил бўлдик деб кўнгилга келган ишни қилавериш керакмикин, ахир?! Паранжи ўраниш шартмикин? Қизларимиз ҳозирги ўзбекча либосларида юраверишса яхши эмасми? Бунга хотин-қизларимиз, кенг жамоатчилик нима деркин?

Ахир гап либосда эмас, қалб поклигида-ку!

Отабек ОЛИМОВ,
Хатирчи райони.

Қўй, йиғлама жон ўғлим, оппоғим, бағри чўғим

ДУГОНАЛАР. (фотоэтюд).
Икром НОМОЗ олган сурат.

Аёллар азал-азалдан қўшиқ айтиб, гўдагини улғайтиришни ўз ҳаётининг асл маъноси деб билганлар. Туркий халқларда аёл, энг аввало, она сифатида қадрланган. Инсониятнинг улкан даҳоси, буюк бобокалонимиз Маҳмуд Қошғарий оналар хиргойисидаги ипакдек майин товуш сеҳрини ҳис этиб «Аёл овозининг нафислиги учун эридан устун турмоғи лозим», — деб ёзганди.

Бувиларимиз меҳри жилоси бўлмиш эркалама овутмачоқ қўшиқлари ҳам оналарнинг фарзандсевар, бағри кенг, тенгсиз салоҳият эгаси эканлигининг тимсолидир. Шу маънода қалби лутфу эҳсонларга тўла, тили дурпош волидаларимиз тилидаги эркаламадан бирини ўқинг-а:

Тасма тасаддуқ бўйига,
Ўйинчи келсин тўйига,
Ўйинчилар ўйнамаса,
Ўзим ўйнайман тўйида.

Фарзанд камолати ва хусусан қувончли дамлар орзуси акс этган туйғулар бу. Шеър оддий сўзлар тизмаси эмас. Балким юксак ақлий тафаккур маҳсулидир. Мисралардаги такрорий товушлар талаффузида эшитувчини таъсирлантирадиган, айни чоғда дилини шодлантирадиган даражадаги садо ҳосил қилмоқда. Товушларнинг бадиийлиги юзага келтириши ва ёқимли товуш яратиши учун энг камида икки ёки ундан ортиқ товуш юзага келтириш ва шу орқали оҳангдошликка эришиш анчайин мураккаб бадиий жараён эканлигини назарда тутсак, куйловчининг шеърий иқтидорига қойил қолмай илож йўқ. Мана бу қўшиқда ҳам дилбанд жамоли ва камолининг орзуси куйланмоқда.

Бир нозанинни кўрдим,
Ақли зиёда бўлсин
Ўн тўрт кечалик ойдай,
Ҳусни зиёда бўлсин.
Қўлидан чой ичганда,
Олтин пиёла бўлсин,
Кетидан душманлари
Доим пиёда бўлсин.

Эркаламалардаги сўзлар англатган маъно ва ундаги тушунчалар бола кўнглини кўтариши муҳим эмас албатта. Аммо куйловчи бадиий фикрлаш жараёнида ҳаётий мантиқни таъминлайди. Эркаловчи ўз руҳий ҳолатига мос тасвирни табиатдан, нарсалардан, уларнинг кўринишларидан олади. Бинобарин, инсон ўз руҳий дунёсидаги у ёки бу ҳолатни ифодалашга майл, шунга зарурат сезгач, худди ана шундай босқичда бадиий фикрлаш нуқтаи-назаридан кўтарилади.

Қоп-қорағай кўзингга
Қоровулбек тасаддуқ,
Бурнингни(нг) пардасига
Парвоначи, тасаддуқ.

Тўғри, сўзлар маъноси эркаланувчига тушунарсиз. Аммо товуш ва товуш қўшилмаларининг ўзаро боғлиқлиги шеърнинг куйланиши, оҳангдорлигига хизмат қилмоқда. Ва ана шу ҳузурли садо билан болани суйиб, дилини шод қилмоқда. Ифоданинг ихчам, содда ва равонлиги нутқнинг товуш томондан ва маъно жиҳатидан ҳам ёқимли бўлишини таъминлаган. Сўзларнинг такрорланиши тасвирга алоҳида ургу бериш билан бирга эмоционал кўтаринкилик ҳосил қилишга ҳам хизмат қилмоқда. Умуман болалар оғзаки ижодининг барча жанрларида оҳангнинг ширали бўлишига хизмат қиладиган товуш такрорланишини кузатамиз. Бундай ҳолат эртакларда ҳам яққол кўзга ташланади. Масалан: «бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан». Такрорий товушлар орқали оҳангдошлик ҳосил қилиш санъатининг илдизлари жудаям қадимийдир. Волидаларимиз шеърияти шунчаки эртак эмас, аксинча, унга бадиий тафаккурнинг нодир намунаси сифатида қарамоқ керак. Эркаламанинг кимга (қизалоқми ёки ўғил болага) аталганлиги унинг мазмунида алоҳида хусусият касб этади. Қизалоқларга қарата айтилган эркаламаларда унга хос сифатлар қуйга солинади.

Она ўз норасидаси қошида илтижо қилмоқда. Зотан, овутмачоқлар ўз ифодаси билан болаларни овутиш жараёнида ҳиссий зарурятга айланади. Овутмачоқлар мурғак қалблар йиғлаганда, хархаша қилганда уларни тинчлантириш учун куйланади.

Вуй, вуй улим (ўғлим),
жон улим,
Йиғлама, кўзларинг юм,
Бунча йиғлаб нетасан,
Онангни қон этасан!

Она илтижосидан кейин ҳам йиғи тўхтамади. Аёл яна куйлашда давом этди. Қўшиқ мазмуни ҳам жиддий тус ола бошлади.

Қўй, йиғлама, жон ўғлим,
Оппоғим, бағри тўғим.
Жигар-бағрин тиғламас,
Ўғил бола йиғламас.
Ўғил бола йиғласа,
Увол бўлади, ўғлим,
Жигар бағрин тиғласа,
Душман кулади, ўғлим.

Илтижою, илтифотлар ҳам таъсир этмай боланинг ҳарҳашаси тинмади. Она фарёд чека бошлади:

Йиғлама, ўғлим, ўғлим,
Жонимдан тўйдим.
Йиғлама ўғлим, ўғлим,
Қонимдан тўйдим.
Йиғлама ўғлим, ўғлим,
Вой-дод!...

Бувиларимизнинг туркона одобию, фидойижонлигини қаранг. Энг оғир дақиқаларда ҳам жигарбандининг номига ёмон сўз айтаётгани йўқ. Аёл барибир бутун бойлиғини бахшида этиб дилини ўзига ром қилувчи, ширали овоз яратиш билан овора.

Таассуфки, ипакдай майин, дилга ҳузур бағишловчи эркаламалар ва овутмачоқлар бугунга келиб халқ таомилидан анчайин тушиб қолган. Буни қайта йўлга қўйиш учун бутун таълим ва тарбия ишларини туркий мазмунда касб этиши лозим.

Даврий нашрлар, ойнаи жаҳон, ҳаво мавжларида бундай қўшиқлар ташвиқига эътиборни кучайтирмоқ зарур. Матбуотда алла, ёр-ёр, ўланларга алоҳида саҳифалар ажратилиб, эркаламалар, овутмачоқлар, қизиқмачоқлар ҳам ёритилиб борилса. Токи, келажак авлодлар ҳам оналар ақлий тафаккурининг маҳсули бўлган бадиият дурдоналарининг беқиёс жозибасидан баҳра олиб улғайсинлар.

Муҳаммад АҲМАД.

Республика ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Маркази ҳузуридаги «Аида» фирмаси дирекцияси М. У. Жабаева отаси

Убайдулла ЖАБАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекгазсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси газ саноатининг кекса ходими, пудрат ишлари бўлимининг бошлиғи

Ҳабиб ОЛИМЖОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608. Буюртма Г—197.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖУРАБОЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Карим БАҲРИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Муҳтарама УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Раим ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Сандаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 21.00 № Г—410. Тираж 28596. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.